




ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни»
номи билан чиқа бошлаган

№ 42(65869)
1995 йил, 7 ноябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

ҚУГИРЧОҚЛАР БАЙРАМИ

Яқинда пойтахтимизда қу-
гирчоқлар байрами, аниқроғи,
қуғирчоқ театрларининг V фес-
тивали бўлиб ўтди. Фестивалда

да ям-яшил, ҳарир либос кий-
ган урмон париси пайдо бўлди.
У урмондаги ҳайвонлару усим-
ликлар, зилол сув, мусаффо ҳа-

қилади, ҳайвонларга азоб бера-
ди. Шаҳзоданинг ҳаракатлари-
ни кузатаётган ёш томошабин-
лар қалбини ҳайрат, ачиниш,
табиат қушандасига нисбатан
ғазаб ҳислари чулғаб олган бўл-
са, дарғазаб урмон париси уни
қора қарғага айлантириб қўйга-
нида, севинчдан қарсак чалиб
юборишди. Бу эса болаларда
ёшликланок она табиатга меҳр
уйғотиш, уни авайлаб-асрашни
ургатиш каби эзгу ниятни узла-
рига мақсад билган «Оби ҳаёт»


Тошкентдаги Республика
давлат қуғирчоқ театри томо-
нидан сахналаштирилган «Ало-
вуддиннинг сеҳрли чироғи», Хо-
разм давлат қуғирчоқ театри-
нинг «Шоҳсанам» спектакли,
шунингдек, «Али кичкина»,
«Тоҳир ва Зухра» спектаклла-
рини ҳам болажонлар мириқиб
томоша қилишди. Қуғирчоқлар
шодланишса кулишди, қайғуга
ботишса, куз ёш ҳам қилиб
олишди.



республикамининг турли ви-
лоятларидан, шунингдек, Қир-
ғизистон, Қозоғистон, Улья-
новск вилоятларидан келган
театрлар иштирок этдилар.

Республика қуғирчоқ теат-
рининг томошалар зали мак-
таб ўқувчилари, боғча кичкин-
тойлари билан гавжум. Саҳна-

вонинг қуриқчиси сифатида гав-
даланди. Жониворларга ғамхўр-
лик қилган, экинларни су-
рган, кузи юмилиб қолган
булоқларга қайта ҳаёт бағиш-
лаган ҳам қуғирчоқлар. Шунда
бир шаҳзода урмонга келиб, бу-
тунлай аксинча иш тутати.
Усимликларни янчиб, пайҳон



номли Бухоро давлат қуғирчоқ
театри жамоаси ютуғининг да-
лолати эди.

— Болажонлар энг самимий,
ҳаққоний ҳакамлардир, — дей-
ди биз билан суҳбатда Респуб-
лика қуғирчоқ театри бадий
раҳбари Шомуродака Юсупов.
— Уларнинг қарсаклари-ю шо-
дон қийқириқлари биз учун
олий баҳо. Ўз навбатида биз
ҳам улар учун янги-янги, қизи-
қарли тарбиявий аҳамиятга мо-
лик булган спектакллари сах-
налаштиришга ҳаракат қила-
миз. Фурсатдан фойдаланиб,
айни кузги таътил кунларида
кичкинтойларимизни томоша-
ларимизга таклиф қилмоқчи
эдим.

Бир ҳафта давом этган фес-
тивал якунланди. Унда ғолиб-
лар ҳам, мағлублар ҳам булга-
ни йук. Тошкент, Андижон
ҳамда Фарғона вилоятларида-
ги давлат қуғирчоқ театрлари-
нинг томошалари энг яхши
спектакллар деб топилди.

Суратларда: Турли вилоят-
лар театрларининг фестивалга
олиб келган спектаклларида
лавҳалар.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга
туширган.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республика-
си Президенти бир гуруҳ
академик олимлар билан
учрашди. Унда мамлака-
тимиз тараққиёти йулида
илм-фаннинг аҳамияти ху-
сусида сўз борди.

Республикаминиз ўрта
мактабларида биринчи чо-
рак якунланди. Икки ой
давомида турли фанлар-
дан билим олган ўқувчи-
лар таътилга чиқдилар. Бир
ҳафтадан бери улар дам
олиш билан бирга кейин-
ги — иккинчи чоракда
ҳам аъло баҳоларга ўқиш
учун куч йиғишмоқда.

Республикаминиз буйича
энг қўп китобларга эга
булган Алишер Навоий
номидаги давлат кутубхо-
наси ташкил этилганига
125 йил тўлди.

Нукусда БМТнинг бо-
лалар жамғармаси ташки-
лоти — ЮНИСЕФ ҳамда
Халқаро Экосан жамғар-
маси иштирокида семинар
бўлиб ўтди. Унда асосий
мавзу Оролбуйи ҳудудида
оналар ва болалар саломат-
лигини муҳофаза қилиш
булди.

«Шум бола», «Тошкент
— нон шаҳри», «Сен етим
эмассан» каби бадий
фильмларни севиб томо-
ша қилмайдиган бола бул-
маса керак. Ана шу фильм-
ларни яратган «Ўзбек-
фильм» киностудияси таш-
кил этилганининг 70 йил-
лигига бағишланган тан-
таналар бошланди.

Халқ Демократик пар-
тияси ташкил этилгани-
нинг тўрт йиллиги юрти-
миз бўйлаб кенг нишон-
ланди.

Ф СП-1

Ўзбекистон Алоқа Вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
" ТОНГ ЮЛДУЗИ " 64563
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

ЎЗНОМАСИГА ОБУНА

обуна сонин

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в.	жойи

(нашр кўрсаткичи)

" ТОНГ ЮЛДУЗИ "

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман- зилга юбориш	баҳоси	сўм	сонин

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ватанпарвар спортчи хотирасига

СИЗНИ ЁДЛАР КУНЛАР КЕЛДИ, ОТАЖОН!

«Диққат! Номи узбек спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган инсон Ҳидоят Иноятов хотирасига бағишланган анъанавий мусобақамизни бошлаймиз. Унда...»

Мусобақанинг бош ҳаками Дилором Солиеванинг қолган гаплари Ҳурият опанинг қулоқларига элас-элас, жуда узоқдан эшитиларди. Унинг қувонч ва фахрдан кузларига ёш қалқди.



Ҳаёлидан уша — унинг бола юрагини бир дунё қурқув ва таҳлика чуллаган йиллар уга бошлади. 1935 йил. Узбек спортининг ҳам доврғини оламга ёйиш мақсадида жонқуярлик билан ҳаракат қилган ватанпарвар инсон, 22 ёшли навқирон йигит Ҳидоят Иноятов ташаббуси билан унинг ўзи иштирокида 3000 километр масофадаги Тошкент — Қорақум — Помир, ордан бир оз вақт утгач эса 7000 километр узоқликдаги Тошкент — Оренбург — Куйбишев — Пенза — Рузевка — Рязань — Москва шаҳарлари бўйлаб велосипед пойгаси утказилди.

1938 йил. «Аввал энг ақлли, ватанпарвар, халқпарварларни йўқотиб олайлик, у ёғи уз-

уздан йўқолади», шиорини қурол қилиб олган қатагон ташаббускорлари Ҳидоят акани ҳам назардан қочирмадилар. Довжурок спортчи ҳам «халқ душмани» айблови билан отувга ҳукм қилинди. Унинг жигарбанди Ҳурият опа бошқа исм-шариф билан яшаш ва ўқишни давом эттиришга мажбур бўлди.

«Онажон, бу қандай бедодликки, ўз падари бузрукворимнинг муборак номини тутиш бахтидан ҳам бенасиб бўлсам», зор қақшаб йиғларди Ҳурият. «Болажоним, иложимиз қанча ахир ҳаммасини Аллои таоло, қолаверса отангнинг руҳи куриб турибди-ку», юпатмоқчи буларди юрак-бағри қон онаизор. «Йўқ, йўқ, отам оқланмагунларича, танимда жоним бор экан, еламан, югураман», қатъий қарорга келди фарзанди.

Падари хотирасига содиқ қизнинг уринишлари бекор кетмади. 1958 йилда, отанинг муборак номи оқланди.

Юртимизда мустақиллик шамоли эсиб, ноҳақ жабрланган халқимизнинг асл фарзандлари номини қайта тиклашга янада қаттиқроқ киришилди. Улар орасида Ҳидоят Иноятов ҳам бор эди. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Ҳидоят Иноятов номи билан атала бошланди. Ҳар йили унинг хотирасига бағишлаб спорт мусобақалари утказиладиган бўлди.

Сузимизнинг бошида келтирганимиз хотира мусобақаси... Унда 1979-80-81 йилларда туғилган Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан келган умидли қиличбозлар беллашилди. Олти нафар йигит-қиз иштирок этган куч синашишда самарқандлик қиличбозлар: Санжар Насриддинов, Шўҳрат Исахонов, Шавкат Шодиев, Андрей Салимов яхшигина маҳоратга эга эканликларини намойиш этдилар.

Беллашувлар якунланди. Ғолибларга совринлар тошпирилди.

Ҳурият Ҳидоят қизи болаларга отаси ҳақида фахр билан ҳикоя қилди. Сунг: «Сизни ёдлар кунлар келди, отажон, қабрингизда тинч етинг!» деди суратини силаб.

Абдуҳамид АБДУҒАППОРОВ.

Суратда: «Хотира» мусобақаларидан лавҳалар.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Алпомиш авлодлари

АСЛИ ҒИРКЎК НАСАИДАН, МЕНИНГ ТУЛПОРИМ

Гузал ва бебаҳо юрт Ўзбекистонда бир чавандоз яшаган экан. У отларга, отлар эса унга шу қадар урганиб қолишган эканки, чавандоз куча эшикдан кириб келиши билан отлар кишнаб ўзлари ҳақида хабар қилгандек бўлишаркан.

Кунларнинг бирида чавандоз ҳалокатга йулиқиб оламдан утибди. У парваришлаб, тарбиялаётган отлар катта фожеани юракдан ҳис қилгандек кўз ёш тукишибди. Шунда чавандознинг яқинларидан бири унинг миниб юрадиган отига раҳми келганидан қабристонга, сеvimли эгаси қошига олиб борибди. От тиз чуқиб, бошини қабр устига қуйибди. Бояги одам анча қутгач, сабри тутаб, бориб қараса жонивор жон таслим қилган экан.

Бу ривоятни ҳар доим укаларимга айтиб бераман. Чунки улар бу ҳақда такрор ва такрор

рашади. Айниқса, улар Гургулининг оти Ғиркўкни жуда севишади. Мен атайлаб уша асарлардаги отларнинг ақллилиги, ўз эгаларини энг қийин дамларда ҳам ёлғиз қолдирмай ёрдам берганлиги, ҳатто улимлардан қутқариб қолганлиги ҳақида кўпроқ гапириб бераман.

«Яқинда менинг ҳам ўз тойчоғим булади, уни боқиб, худди Гургули, Авазхоннинг оти сингари «ўз отим» қилиб оламан», дейди кичик укам.

Хуллас, оиламиздагиларнинг ҳаммаси отларга меҳр қуйишган.

«Яқин кунларда бизнинг тулпорларимиз ҳам ўзбек пахтаси, ўзбек олтини, ўзбек қорақули каби ўзбек тулпори, қорабайири бўлиб эллар аро машҳур булади», дейдилар дадам. Илойим айтганлари келсин. Бунинг учун Алпомишлар, Гургулиларнинг ворислари — биз болалар



эшитишни истамади. Бунинг боиси, улардаги отларга бўлган қизиқишнинг кучлилиги бўлса керак. Улар яна «Орзи-гул», «Далли», «Кунтуғмуш», «Гуруғли» сингари халқ достонларидан айтиб беришимни су-

уйлашимиз, қайгуришимиз керак. Тугримми? Қалай, мен отга ярашибманми ёки от менга? Сиз нима дейсиз?

Шўҳрат ФАРМОНОВ,
йқувчи.
Ёзёвон тумани.

Меҳрибон, меҳри бор муаллим

САНЪАТКОРМИ Ё ШОҒИРД?

Чизмачилик хонаси ёнидан утиб кетаётган уч-тўрт бола бирданига тўхтади. Бунинг сабаби — эшик қия очик турган эди. Ичкаридан ўзларига энг қадрдон, дўст, маслаҳатгўй устозлари Одинахон опа Сайфуддинованинг овози эшитиларди.

— Мана бу деворлардаги санъат асарларини кураясизларми, — сўзларди Одина опа, — ҳа-ҳа, уларнинг ҳар бири ўзича асар, уларнинг ҳар бирига ана шу, сизлар икки ой бирга бўлган болалар бор маҳоратларини беришган.

— Э, юринглар, бировларнинг гапини яширинча эшитиш одобдан эмас.

— Нега, биров буларкан, узимизнинг муаллимамиз-ку, улар яқинда бизнинг мактабда амалий машғулот утказган олийгоҳ талабаларига дарс утаяптилар.

Болалар алоҳида меҳр билан тилга олаётган устоз Оди-

нахон Сайфуддинова пойтахтимиздаги 241-мактабда чизмачилик фанидан дарс берадилар. Меҳрибон, талабчан, ўз маҳорат ва услубига эга бўлган ўқитувчи 13 йилдан буён болаларга илм ургатиб келяпти.

Одинахон опанинг ўқувчилар меҳрини қозонишига асосий сабаб у аввало болаларнинг диққатини бир жойга жамлаб, кейин машғулотни бошлайди. Шунинг учун ҳам бу фанни ўқитишга ажратилган алоҳида хонадаги болаларнинг ўз қуллари билан ишлаган суратлари, турли нақшлар, бир-биридан нафис санъат намуналари кишини ҳайратга солади. Уни санъаткорми ё шогирд ишлаган, дея уйлаб қоласиз. Беихтиёр: «Сиз ўқитган болалардан ажойиб график рассомлар етишиб чиқади», дегингиз келади.

Сайриддин ХОЛОВ.

— ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ —

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазингизга ҳаракат қилинг!
Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса апаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, ҳатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исми ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

«ХЕЧ БЎЛМАГАНДА БЕШДАН БИРИ ОБУНА БЎЛИШИ КЕРАК-ДА», — ДЕЙДИ ЖАМОЛХОН АМАКИ

— Қизингиз ёзган мақола чиқибди, мана олиб келдим, — деб «Тонг юлдузи» газетасини узатди Жамолхон амаки.

Ёрқиной опанинг кўзларида кулгу ёйилди.

— Хўп яхши касбингиз бор-да укажон, ҳаммага қувонч улашиб юрасиз. Кеча олиб келган газетангизни мазза қилиб ўқидим, касал ётган Қувон бобога

келтирган телеграммангиздан уйда тўй бўлиб кетди.

— Сизларга қувонч ташийдиган 1-алоқа бўлими-мизда шу кунларда иш қайнайди, — деди ўттиз йилдан бери почталёон бўлиб ишлаб келаётган Жамолхон амаки Каюмов.

— Обуна бўлувчиларнинг сони кун сайин кўпайиб

бормоқда. Айниқса қизингизнинг газетаси — «Тонг юлдузи»га обуна бўламан, деб келувчиларнинг кети узилмаяпти. Ярим миллиондан ортиқ мактаб ўқув-чиси бор мамлакатнинг ҳеч бўлмаганда бешдан бир қисми ўз газетаси — «Тонг юлдузи»га ёзилиши керак-да!

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳри.

15 БОЛА ЁЗИЛДИ

Синфга кирсам болаларнинг ҳаммаси ғуж бўлиб олишибди.

— Нима қилаяпсизлар? — қизиқиб сўрадим улардан.

— Қара, Нодир, «Тонг юлдузи» газетасида «Онам ой бўлсалар, отам — офтобим», — деб тўғри ёзи-шибди. Шунинг ҳаммамиз биргаликда ўқиямиз.

Мен ҳам газетани ўқишга киришдим. Унда ҳо-зирги кунда бозор ишлари билан шуғулланаётган болалар ҳақида ҳам ёзишар экан. Биргалашиб, ҳаммамиз газетага ўзимизнинг фикримизни ёзиб юборишга қарор қилдик. Чунки ундаги мавзулар бизни қизиқтириб қолган эди.

Синфимиз ўқувчилари ўтган йили «Тонг юлду-зи»га обуна бўлган эди. Йил давомида ҳаммамиз газетадаги болалар ҳаётига оид мақолалар, қи-зиқ-қизиқ ҳикоя ва шеърларни навбатма-навбат мароқ билан ўқиб бордик. Аммо 30 нафар бола учун битта газета камлик қилар экан. Баъзи синфдош-ларимиз уни ўқишга улгура олишмади. Шу сабаб яқинда газетада «Тонг юлдузи»га 1996 йил учун обуна бошланганини ўқиб қолдик ва кейинги йил учун 15 нафар бола синфимиз учун газетага обуна бўлишга қа-рор қилди. Бу эса ҳар икки ўқув-чига битта газета деган гап.

Нодир ТУРАХМЕТОВ,
Тошкент шаҳридаги 305-мактаб
ўқувчиси.

ШОКОЛАДДАН ТЕЖАДИК

Дадамнинг ажойиб бир одатлари бор: ҳар гал маош олганларида ширинлик ола-сизлар, деб мен ва укаларим-га пул берадилар. Мактабга кетар йўлимизда турли хил шоколадлар, ширинлик ва са-қичлар сотадиган дўконлар талайгина. Авваллари дадам-дан пул олиб, шоколад олиш учун дарҳол дўконга чопар-дик. Яқинда укаларим билан маслаҳатлашиб бир таклиф киритдим: «Дадам берган пул-ларни йиғиб, 1996 йил учун «Тонг юлдузи»га обуна бўл-сак-чи». Таклифим укаларим-га маъқул бўлди. Шоколаддан тежалган пулларимиз 200 сўм-дан ошиб кетди. Кейин эса ойижоним билан бирга алоқа бўлимига бориб, «Тонг юлду-зи»га обуна бўлдик.

Динора
ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти, Хива
шаҳри.

КАТТАМИ, КИЧИКМИ — ҲИММАТ ЯХШИДИР!

Ҳа, каттами, кичикми — ҳиммат яхшидир. Буни газетамизда такрор ва такрор таъкидлаймиз. Чунки гап яна Буриқул ака ҳақида кетяпти. У кишини биласиз. Сариосиёдаги вино заводи ди-ректори Буриқул ака Қурбонов туман-даги 20-мактабдан ўз ҳимматини ая-майди. Ҳатто болалар уқисин, билими-ни мустаҳкамласин, деб 100 дан ортиқ ўқувчини «Тонг юлдузи» газетасига обу-на қилди. Турғри, бунда ўқувчиларнинг интилиши, қизиқиши ҳам ҳисобга олин-ди. Ахир обуна пулини завод маъму-рияси тулагандан кейин «Тонг юлду-зи»нинг ҳақиқий ўқувчилари излаб то-пилади-да! Аниқланишича, бундай ўқув-чилар юздан ҳам кўпроқ экан. Ҳечқиси йўқ. Битта мактабга мурувватли бир инсон сай-ҳаракатлари билан юздан ортиқ «Тонг юлдузи» келади-ю... яна келмоқчи бўлганлари қанча экан! Кат-тами, кичикми — ҳиммат яхшидир. Ҳимматингизга бағли, Буриқул ака!

«Тонг юлдузи» 1996 йил 1 январдан бош-лаб ҳафтада икки маротаба рангли су-ратлар билан чиқади. Шунинг учун унинг йиллик обуна баҳоси 208 сўм 80 тийин

қилиб белгиланди.
Олти ойга 104 сўм 40 тийин.
Индексимиз:
Якка обуначилар учун 64563,
Ташилотлар учун 64579.



Неъмат ОРИФ.

Неъмат Орифнинг асли касби — шифокор. Аммо болаларбоп, қувноқ шеърлари талайгина. У ёш қаламкашларнинг севимли мураббийси ҳам. Андижон вилояти, Хўжабод туманидаги Алишер Навоий номидаги 13-мактаб қошида «Садаф» деб номланган ёш ижодкорлар тўғараги ташкил қилганлар.

Қуйида устоз ва шогирдларнинг шеърларидан намуналар ўқийсиз.

ХҲҲ, АЙШАМАН БАХШИЁР-МАН

Вазифани

Текшириб,

Аста томоғин

Қириб,

Дер муаллим:

— Ҳисоб зўр,

Ёзилиши

Бир оз гўр.

Деди Наби

Жавобан:

— Хўп, акамга

Айтаман...

МАНШИ

Ойим қилди

Зўр манти,

Еб, дейман:

— Борми қанди?

Лекин унинг

Гўшти бор,

Юпқагина

Пўсти бор.

Хаммамизга бахтдир ёр,

Озод, мустақил диёр,

Қалбимда яшнар баҳор,

Бахтиёрман, бахтиёр.

Гулбадан САРАҚУЛОВА,
6-синф.

ЁШЛИК

Умримизнинг баҳори,

Энг мусавфо наҳори,

Ёшлигимиздир.

Баҳор қайтар, қайтмовчи,

Хаммамизни алдовчи

Ёшлигимиздир.

АҚЛИ БОЛА

Эртак

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир замонлар Бекзод билан Шерзод деган икки дўст бўлган экан. Бекзод кўп китоб ўқиб, ҳар ишни ўйлаб қилишга тиришаркан. Шерзод эса аксинча дангаса, китоб ўқиш у ёқда турсин, дўс-

тига ҳалал бергиси келаверар, унинг яхшиликка чорловларига ҳам бепарво экан. Бекзод бир китобни ҳеч қўлдан қўймай қайта-қайта ўқиркан. Шерзод шу китобни бир ба-ло қилиб олиб, йўқотишга қасд қилибди. Охири пайт пойлаб, олиб қочиб кетибди. Уч кун ўтказиб келибди. Бекзод эса ҳеч нарсаси кўрмагандек Шерзод билан сўрашиб, бир нуқтага тикилиб, ҳаёл сурайверибди. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Шерзод ўзи дебди:

— Дўстим, нега хомушсан, яна тинмай ненидир ўйлаяпсан?

— Йўқ, ўйлаётганим йўқ, ҳаёлан ўқияпман, — дебди жавобан Бекзод.

— Нимани? — дебди ўзини бепарво тутиб Шерзод.

— Нимани бўларди, ўша кадрдон китобнида!

— Қайси китобни? — бир оз қизара бошлабди Шерзод.

— Қайси бўларди, йўқолган китобнида!

— Китобинг йўқолса, уни яна қандай ўқияпсан?

— Э, дўстим Шерзод, — дебди энди унга юзланиб Бекзод, — китобимни ўғирлаган кўрнамак менинг ақлу хушимни ўғирлай олмайди-да! Ахир у китоб менга ёд бўлиб кетган. Мен энди уни ёддан ўқийвераман. Ўғрининг ўзига қийин, ё ўқимайди ёки ўқиганни ҳам кўролмайдими...

Шунда Шерзод росмана мулзам бўлиб қолган экан.

Дурбек КАРИМОВ,
7-синф.

ЎЗР, ДЎСТИМ...

Олимпиадада биринчи борганимдаёқ у билан танишиб қолган эдим. Унинг қувноқлиги, дилида кири йўқлиги, ҳар бир гапдан ҳазилли иборалар чиқариб, ҳар қандай одамни кулдира олиши менга ёқарди. Шунинг учун ҳам уни Зафар қизиқчи деб атардим.

У ҳам бунга қаршилиқ қилмасди. Бугун вилоят олимпиадасига келдик. Туманлараро олимпиадада ҳам олдинги ўринларни олганимиз учун бу ерга олиб келишганди. Олимпиадани топшириб чиққач, тушлик қилдик. Зафар қизиқчи билан бир столда утирардик.

— Бўлса тоқат, олинг овқат, — деди Зафар қизиқчи менга жилмайиб боқиб, қошиқни овқатига соларкан.

— Сиз ҳам олингчи дўстим, — дедим унга.

Овқатдан сўнг компотдан ичарканмиз, у билан тузукроқ танишиб олиш ниятида савол бердим:

— Зафар, отангиз нима ишда?

Зафарнинг қувноқ чехраси бирдан тундлашди, лаблари қалтираб пастга қараркан:

Отам, отам, — дея олди холос.

Унинг бирдан хафачилик ҳолатига тушганига ҳижолатда қолдим. Бекорга савол берибман, деб ўйлаб, кўнглини кўтармоқчи бўлдим:

— Кечирасиз дўстим, мен билмай, ҳалиги, нимаиди, ишқилиб, отангизнинг жони жаннатда бўлсин.

Энди Зафар менга зардали қараш қилди-да:

— Отам тирик, ундай деманг, фақат мен кичкиналимда бизни ташлаб кетиб қолган, — деб ўрнидан туриб кетди.

— Ўзр, дўстим! — дея олдим холос...

Саъдулла ЗУЛУНОВ,
6-синф.

Мунозара учун мавзу

БЕЛИ

ОГРИМАСНИНГ НОН ЕЙИШИГА БОҚ

Эрта тонгданоқ ҳаво айниб, ёмғир қуя бошлади. Зарурат юзасидан бозорга тушган эдим. Қайтишда ҳадеганда трамвай келавермай, анча қутишга туғри келди. Бекатда одам гавжумлашди. Ҳамма уйчан, узининг уй-хаёллари билан банд, совуқдан жунжикиб туришарди. Дикқатимни 5-6 нафар болалар тортти. Ёшлари тахминан 10-12 ларда. Улар бир лаҳза ҳам тинч туришмас, бир-бирларини кулмак бўлиб қолган жойларга туртишар, бош қийимларини олиб қочишарди. Оёқ қийимларини зимдан кузатдим, жиққа хул бўлиб кетибди. Биз катталар эса томошабинмиз, холос. Шу пайт улардан бири орқасига бироз тисарилиб турди-да, хул ерда сирпанчик уча бошлади.

— Сенлар ҳам учларинг, мазза экан, — деди шерикларига.

Қолганлари ҳам сувларни ҳар тарафга сачратиб, сирпана бошлашди.

Шу тобда болаларнинг она-оналарига ачиниш кетди. «Болам кийсин», деб уларга фалон пулдан оёқ қийим сотиб олиб беришгандир. «Бели огримаснинг нон ейишига боқ!» деганларидек, оёқ қийимларини авайлаб-асрашни ҳаёлларига ҳам келтиришмасди.

Мен ҳам онаман, 3 нафар фарзандим бор. Уларнинг энларига, оёқларига қийим олавериб, нарх-навои яхши билиб қолганман. Чидаб туролмадим, энларига бориб, қаттиқ койиб бердим. Шундан сўнггина атрофдаги катталар ҳам «тилла киришди». Бири гапириб, иккинчиси маъқуллашди. Болалар эса уялиш ўрнига, юзларини беркитиб пиқир-пиқир қулишарди...

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИФИ...

Тасодифни қарантки, ҳалиги болалар билан бир бекатда трамвайдан тушибмиз. Уларанча илгарилаб кетишди, мен эса орқароқда келяпман.

Яна худди ўша манзара: бири тепиб қочган, иккинчиси қувлаган. Шунда улардан бири қайсидир хонадоннинг дарвозаси ёнида ўсиб ётган аччиқ қалампирдан ўзиб олди-да, шеригига нимадир деб шипшиди. Шунда улар ўртоқларидан бирини тутиб, қўлларини маҳкам ушлаб туришди. Ҳалиги бола эса қўлидаги қалампирни унинг юз-қўзларига, оғзига сурта бошлади. Бола оғриққа чидай олмай йиғлар, «дўстлари» эса қаҳ-қаҳ отиб қулишарди.

Ўзимнинг болам булса-ю юзига тарсаки тортиб юборсам. Кетларидан югуриб, ҳай-ҳайлаганимча қолавердим. Кўп қаватли уйларнинг орасига югуриб кетишди...

Зулфия
МАХМУДОВА,
уй бекаси.

Яқинда Россия телевидениеси орқали «Инсон ва қонун» кўрсатувини томоша қилдим. Унда поездлар қатнайдиغان бекатларни ўз ётоқ жойига айлантириб олган дайди «она»лар ва улар билан кун кечиршга маҳкум этилган болалар ҳақида гап борарди.

Мухбирлардан бири ёнида беш-олти яшар гўдак билан ухлаб ётган аёл ёнига борди. Ёруғлик кўзига тушган бола уйғониб, онасини турткилай бошлади. Нозик қўлчаларнинг анча вақт тортқилашларидан сўнг «она» уйғонди, маст кўзлари билан атроф-

«Онам ой бўлсалар, отам — офтобим»ни ўқиб

га аланглади, унинг сочлари тўзғиган, ган синиқ тароқ билан онасининг сочларини тарай бошлади.

МЕХРГА МЕХР ҚАНИ?

бошини ҳам тўғри тута олмасди. Гўдак бўлса онасини одамларга чиройлироқ, тартиблироқ кўрсатишга ҳаракат қилиб унинг сочларини қўллари билан текислар, ёқаларини тўғриларди, ниҳоят у ён-вердан топ-

— Мен иш фаолиятим давомида жуда кўп ичкиликка берилган оналарнинг боласини кузатганман, — дейди милицияда ишловчи аёл. — Бу болаларда бутун меҳр-муҳаббатини бериб тарбия топганларга қараганда оналарига бошқача, ғайритабiiй меҳр бор. Лекин қани энди, уларнинг меҳрига жавоб бўлса?..

Ўктам САИДОВ,
Шахрихон шаҳри.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табак. Буюртма — Г 0450. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Телефон:
33-44-25

